

Башқотирма натижалари е'лон қилинган со'нг, о'қувчиларга балиқчи то'ғ'рисиди ма'лумотлар берилди.

Балиқчи фурсат кутар,	Ов бо'лиши учун зо'р.
Балиқчи балиқ тутар.	Излар балиқ ко'п joyни
Балиқ тутиш вақти бор,	Дарьо, ко'л yoki соynи.
Бунга берар е'tибор.	Қайиқда дарьо kezар
Ташлар қармоқ yoki то'r	Yaxshi ов joyин sezar.

Хулоса қилиб оладиган бо'лсак башланг'ич синфларида о'қувчиларни технология фанларига бо'лган қизиқишини yuksaltirish bilim, ko'nikma va malakalarnи oshirish. Har

bir dars mashg'ulotida o'quvchilarnи kasblar bilan tanishtirish. Mehnatga qiziqish hamda insonparvarlikka, vatanparvarlikka, mehnatsevarlik va ota-onaga bo'lgan muhabbatini shakllantirish. Zamonaviy texnika borasidagi bilimlari doirasini yanada kengaytirish, ularda o'ziga topshirilgan vazifalarga mustaqil fikrlar asosida yondashish va uddalay bilish, o'z ishini va o'rtoqlarining ishlarini rejalashtirish hamda tashkil eta olishga o'rgatish orqali kelajakda yetuk bir kasb egasi bo'lib yetishishiga imkoniyatlar yaratib berishdir.

Adabiyotlar

1. Sanaqulov X.R., Xodиеva D.P., Satboeva M. "Mehnat va uni o'qitish metodikasi" –Toshkent: 2015.
2. Sanaqulov X.R., Xodиеva D.P. "Mehnat ta'limidan amaliy ishlar" TDPU, 2007.
3. Sanaqulov X.R., Xodиеva D.P., Sanaqulova A.R. "Mehnat ta'limi" Ikkinchi sinf o'quvchilari uchun darslik. -T.: "Sharq" 2016.
4. Ergashev Sh. va boshqalar. "Kasblar alifbosi" Ўқув қўлланма. "Yurist-mediemarkazi" 2008.
5. Pereverten V. "O'quvchilarda ijodkorlikni shakllantirish". -T.: "O'qituvchi". 1990.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada boshlang'ich sinf texnologiya darslarida o'quvchilarnи kasb-hunarga yo'naltirishga oid metodik tavsiyalar berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены методические рекомендации по профориентации учеников начальной школы на уроках труда.

SUMMARY

The article provides guidelines and methodical recommendations for primary school students at the labor classes.

СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Д.А.Собирова – психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: социал интеллект, касбий компетентлик, касбий маҳорат, касбий позиция, когнитив, эмоционаллик, социал мослашувчанлик, КОСКОМ-2.

Ключевые слова: социальный интеллект, профессиональная компетентность, профессиональные навыки, профессиональное положение, познавательная, эмоциональная, социальная гибкость, КОСКОМ-2.

Key words: social intellect, professional competence, professional skills, professional position, cognitive, emotional, social flexibility, КОСКОМ-2.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тиббиёт ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг ҳам касбий, ҳам шахсий камолоти билан боғлиқ масалаларни ўз ичига қамраб олгандир. Шу боисдан тиббиёт ходимлар фаолиятининг индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик компонентлари ролини тўғри белгилай олиш унинг касби камолоти муҳим шарти сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда ушбу муаммоларини психологик тадқиқ этиш тиббиёт ходими фаолиятининг турли жабҳаларини ўрганишга эришганлигини кўрсатса-да, ammo унинг ижтимоий-психологик жиҳатларини эътибордан четда қолдириб бўлмаслигини ҳам тасдиқламоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши, биринчи навбатда, ушбу жараёни ташкил этувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи тиббиёт ходимларининг дунёкараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга, яъни уларнинг касбий компетентлигига бевосита боғлиқ

Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва компетентлигининг ўзаро алоқадорлиги масаласи бир қатор педагогик-психологик адабиётларда очиб берилган. Унда касбий маҳоратни туғма хусусиятлар ва фазилатлар билан шартли белгиланмаслиги таъкидланган ва шу билан бирга ушбу маҳоратнинг касбий компетентлик билан шартланганлиги ҳолати алоҳида қайд этилган. Демак, тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг тўлиқ тузилмаси мотивацион-йўналтирувчи бўгин, ривожлантирувчи, тузатувчи коррекцион ва касбий маслаҳат характериға эга бўлганлиги билан характерланади.

Шу нуқтаи назардан тиббиёт ходимлари социал интеллектини ўрганиш жараёнида ҳар бир тиббиёт ходимининг социал психологик компетентлиги ва

унинг ўзига хос имкониятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб тадқиқотимизда тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги, унинг социал интеллектга ҳам боғлиқ деган мулоҳазани илгари сурган ҳолда тиббиёт ходими социал интеллект ва социал психологик компетентлик ўртасидаги уйғунлиқни ўрганишни мақсад қилиб олдиқ.

Эмоционаллик билан социал интеллект тушунчаларини мазмунан таҳлил этганда, бир биридан фарқ қилувчи ҳолат кузатилади, яъни интеллект тушунчасининг когнитив жиҳатдан инсон онги билан боғлиқ эканлиги, эмоционаллик ва социаллик эса шахс фаолиятининг аффеktiv соҳасига яқинроқ эканлигини ифодалайди, ammo муаммонинг мазмунида акс этаётган икки тушунчани таҳлил этишда бошқачароқ позициядан туриб ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Эмоционал интеллект шахснинг эмоциялари, уларнинг ифодаланиши ва тартибга солинишини билдиради.) [5].

Тиббиёт ходимлар социал интеллектини тадқиқ этиш дастуридан кутилатган ғоянинг туб замирида шифокорнинг касбий фаолияти ва касбий компетентлигининг юқори натижаларга эришишига йўналтиришини таъминлашдан иборат.

Биз социал интеллектга доир изланишларга таяниб тиббиёт ходимлари социал интеллектини белгиловчи мезонлар мажмуасини қуйидагиларга ажратдиқ.

1. Когнитив;

1.1. Инсонлар ҳақида, ўзга инсонларни тушунишнинг махсус қоидаларини билиш;

1.2. Социал хотира–инсонларнинг қиёфаси, исмини ўзлаштиришга йўналтирилган хотира;

1.3. Социал интуиция –инсонларнинг кайфиятини, туйғуларини, хатти-ҳаракатларини тушуниш мотиви, социал мазмундаги хулқ-атвори ни мос тарзда кузатув

чанлик қобилияти;

1.4. Социал воқеликни башорат қила олиш—шахсий хатти-ҳаракатлари режасини шакллантириш, ўзининг-фаолиятини жипслаштириши, шахсий фаолиятини бошқалар кўзи билан кўра олиши ва фойдаланилмаган муқобил имкониятлар орқали баҳолаш.

1. Эмоционал;

2.1. Социал ифодалалилик — эмоционал ифодалилик, эмоционал сезгирлик, эмоционал назорат ўрнатиш;

2.2. Биргаликда қайғуриш — ўзга инсонларнинг ҳолатига қара олиш, ўзини бошқалар ўрнига қўя олиш қобилияти.

2.3. Ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти — ўзининг эмоцияси ва қайфиятларини тартибга солиш уқуви.

3. Хулқий;

3.1. Социал идрок-суҳбатдошни тинглаш малакаси, ҳазил-мутойибани тушуниш;

3.2. Социал ўзаро таъсирлашув — ҳамкорликда ишлашга шайлик ва қобилиятлилик, ўзаро жамоавий таъсирлашувга қобилиятлилик;

3.3. Социал мослашувчанлик — тушунтира олиш ва бошқаларни ишонтира олиш уқуви, ўзга кишилар билан чиқишиб кетиш қобилияти, атрофдагилар билан муносабатларда самимийликнинг намоён этилиши [1].

Ушбу ажратилган мезонлар тиббиёт ходимлари социал интеллектини ифодаловчи ҳар бир баҳолаш тартибини шакллантириши мумкин бўлади. Ушбу дастур фаолият жараёнида социал интеллектнинг ривожланишини ташкил этувчи умумий йўлланма сифатида хизмат қилади. Дастурнинг яхлит мазмуни тиббиёт ходимлари социал интеллектини тадқиқ этиш борасида изланишимизнинг тўлалигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини таъминлашга қаратилган психологик ёндашув йўллари излашга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани психологлар олдида давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган муҳим тадқиқотларни олиб бориш ва бу борадаги барча муаммоларни бартараф этишга астойдил киришиш вазифасини юкламоқда. Чунки социал интеллект ва социал компетентлик ўртасидаги уйғунликни ўрганмай туриб, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини ошириш борасидаги чора-тадбирлар қўламини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш асло мумкин эмас.

Психологик тадқиқотларда социал интеллектнинг

Тиббиёт ходимларининг социал интеллект билан социал компетентлигининг умумий кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланиш натижалари

	Шкалалар	Социал интеллект			
		Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал мулоқот ҳаракатлари тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатлари тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашув-ни таҳлил этиш
Социал компетентлик	Инсонларни тушуниш	-0,109	-0,023	-0,059	-0,151
	Вазиятларни тушуниш	0,060	0,236**	-0,022	0,003
	Уддабуронлик	-0,012	0,198*	-0,009	-0,009
	Ахлоқий установкалар	0,038	-0,044	0,054	0,006
	Муваффақиятга эришганлик мотивацияси	0,130	0,068	0,017	0,043
	Эмоционал барқарорлик	0,172*	0,025	-0,059	-0,033
	Имидж	-0,121	-0,115	-0,124	0,293**
	Социал психологик компетентлик	0,024	0,097	0,088	0,140
	Вербаль компетентлик	0,193*	-0,075	0,012	0,115
	Оператив социал-психологик компетентлик	0,038	-0,021	-0,119	0,247**
	Эго компетентлик	-0,146	0,027	-0,065	-0,142
	Коммуникатив компетентлик	0,063	0,001	0,148	0,310**
	Ишонччилик	0,137	-0,018	0,053	0,227**
	Барқарор инсоний муносабатлар	0,115	-0,031	0,017	0,096
	Шахслилик коммуникатив имконияти	-0,200	0,042	-0,064	0,282**

структурасини ўрганиш борасидаги изланишлардан кўра, умумий интеллектнинг тузилишига дахлдор ёндашувлар анчагина эканлигини кўзга ташланади (Г.Айзенк, Р.Б.Кеттелл, Терстоун, Дж.Гилфорд ва бошқалар) [3]. Бугунги кунда ҳам социал интеллект муаммосида энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади [3].

Жамият тиббиёт ходимлари шахсига юқори талаблар қўяр экан, унда психологик етуклик, касбий самарадорлик ва социал талабчанликка эришишни таъминловчи социал компетентликни тақозо этади. Биз тиббиёт ходимлари социал интеллектининг ўзига хослигини ўрганиш баробарида социал компетентлигини ўрганишга мурожаат қилишни лозим топдик.

Бунинг учун тиббиёт ходимларининг социал компетентлигини аниқлашда В.Н.Куницынанинг «КОСКОМ-2» сўровномасидан фойдаландик (Коммуникатив ва социал компетентликни аниқлаш) [6].

Бу сўровнома орқали тиббиёт ходимларининг социал интеллект билан социал-психологик компетентлик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги қирраларини ўрганиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Шунингдек, тиббиёт ходимлари социал интеллектини шахслилик сифатлари, шахслик типлари, эмоционал интеллект билан ўзаро муносабатларини ўрганиш сингари уларнинг социал-психологик компетентлигини билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилди. Бу эса тиббиёт ходимлари социал интеллектдаги бошқа жиҳатларни ёритишга ҳам ёрдам беради. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлигини ўрганишда қатор жабҳалар асосида ёритилди. Дастлаб тиббиёт ходимларининг социал ва коммуникатив компетентлигини аниқлашдан олинган кўрсаткичлар тиббиёт ходимларининг босқичларга кўра фоииз ҳисобида аниқланди ва сўнгра социал интеллектлари билан ўзаро корреляция муносабатлари аниқланди.

Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлиги тақдим этиган ўн бешта банд бўйича аниқланди. Олинган эмпирик натижалар шуни кўрсатдики, тиббиёт ходимларининг социал компетентлигини ифодаловчи кўрсаткичлар вазифасига кўра ҳам фарқ қилар экан..

Изох: * $p \leq 0,05$, *** $p \leq 0,01$

Шунингдек, тиббиёт ходимларининг амалдаги ҳолатларида уддабуронликка бўлган компетентлик ҳам новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш билан уйғунлашган экан ($r=0,236$, $p \leq 0,01$). Тиббиёт ходимларининг новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш қобилиятлари уддабуронлик имкониятларининг ҳам ўсишини таъминларкан. Шунингдек, бир қатор социал-психологик компетентлик жабҳалари социал интеллект ўртасида тўғри корреляцион боғланишлар шаклланган экан. Тиббиёт ходимларининг мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушунишлари билан эмоционал барқарорлик ($r=0,172$, $p \leq 0,05$), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш билан имидж ($r=0,293$, $p \leq 0,01$), мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш билан вербал компетентлик ($r=0,293$, $p \leq 0,01$), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш билан оператив социал-психологик компетентлик ($r=0,247$, $p \leq 0,01$), коммуникатив компетентлик ($r=0,310$, $p \leq 0,01$), ишончлилиқ ($r=0,227$, $p \leq 0,01$), шахслиқ – коммуникатив имкониятлари ($r=0,282$, $p \leq 0,01$) ўзаро уйғун ривожланаётган экан. Айтиш мумкинки, тиббиёт ходимларининг социал интеллекти билан социал-психологик компетентлиги ўртасида ижобий боғланишлар фаолият жараёнида муҳим, аммо улар тўлақонли қўринишга эга эмас. Фақат бешта мезон бўйича социал-психологик компетентлик сифатлари билан социал интеллект ўртасидаги тўғри ички муносабат шаклланган ва бу кўрсаткичлар тиббиёт ходимларининг умумий қийматлари бўйичадир. Агар

Адабиётлар

1. Собирова Д.А. Социал интеллект: назария ва амалиёт. - Тошкент: "Фан", 2013, 160- б.
2. Олпорт Г. Становление личности. Избранные труды. - М.: "Смысл" 2002, -С. 329.
3. Терстоун Л.Л. Характер интеллекта. - М.: "Педагогика", 1924. -С.230.
4. Айзенк Г.Ю. Интеллект: новый взгляд. // Вопросы психологии. 1995. -М.: -С. 111–131.
5. Mayer J.D., Salovey P., Caruso D.R. Mayer-Salovey-Caruso Emotional Intelligence Test (MSCEIT) user's manual. -Toronto:-Canada: MHS Publishers, 2002.
6. Куница В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение. Учебник для ВУЗов. -СПб.: «Питер», 2002, - С. 322.

Ушбу мақолада тиббиёт ходимларининг социал интеллекти, касбий маҳорати ва компетентлигининг ўзаро алоқадорлик масаласи ўз ифодасини топган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается взаимосвязь между социальным интеллектом, профессионализмом и компетентностью медицинского персонала.

SUMMARY

The article is devoted to the discussion of the relationship between social intelligence, professionalism, and the competence of medical personnel.

ЎЗАРО ТАЪСИРЛАШУВ ТУРЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИИ КОМПЕТЕНТЛИК ДАРАЖАДА ШАКЛЛАНТИРИШ

Ф.Қ.Тугалов – катта ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: компетентлик, илмий дунёқараш, ўзаро таъсирлашув, элементар зарра, электромагнит, гравитация, нуклон, ядро, малака, кўникама.

Ключевые слова: компетенция, научное мировоззрение, взаимодействие, элементарная частица, электромагнит, гравитация, нуклон, ядро, умения, навыки.

Key words: competence, scientific outlook, interaction, elementary particle, electromagnetic, gravitation, nucleon nuclear, habits, skills.

Жамият ҳаётида кузатилаётган ривожланиш жараёнлари шахс дунёқарашини шаклланишининг асосий ташкил этувчиси бўлган таълим соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Атрофимиздаги ижтимоий ва технологик ўзгаришларга мос ҳолда, замонавий мактаб маълум билим ва малака бериб қолмасдан, танқидий фикрловчи, эффектив қарор қабул қилувчи, ўз дунёқарашига эга бўлган ҳаётдаги шарт-шароитларга мослашувчи ва уни яхшилашга интилувчи бўлажак ўқитувчиларни шакллантириш лозим бўлади. Бу натижаларга таълимда компетентли ёндашувни қарор топтириш орқали эришиш мумкин.

“Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш,

уларнинг босқичларга кўра таҳлил этадиган бўлсак, социал интеллект билан компетентлик ўртасидаги яна тарқоқ боғланишлар кузатилиши шубҳасиз.

Олиб борилган таҳлиллар натижаси бугунги кунда социал интеллект ва социал-психологик компетентлик уйғунлигини таъминловчи дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигини яна бир тасдиқлади. Чунки муайян мақсадларга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқиш тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда тиббиёт ходимлари социал интеллекти ва касбий компетентлигини тадқиқ қилиш бўйича қуйидагилар аниқланди:

1. Социал интеллектни характерловчи психологик жиҳатлар қаторига касбий компетентликни қўшиш мумкин. Бу эса тиббиёт ходимлари социал интеллектининг касбий қамолотдаги ҳолатини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди.

2. Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги аниқ мезонли ва тизимли, илмий асосланган тадқиқот методикаси асосида аниқланди. Бу унинг социал интеллект билан мазмуний боғлиқлигини тушунтириш имконини берди.

3. Тиббиёт ходимлари социал интеллектини умумий интеллект, эмоционал интеллект, эмпатия, эксперт баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда ўрганилганлиги натижалари сингари социал-психологик компетентлик кўрсаткичларида ҳам босқичланиш кузатилди.

юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади [1].

Физика фанини ўқитишда талабалар илмий дунёқарашини компетентлик даражада шакллантириш